

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

## Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

### Ҳинд заминдаги учрашувлар

Деҳля, 3 январь. (ЎзА махсус мухбирлари А. Каримов ва Ҳ. Мирзаев). Бугун тушдан кейин Ўзбекистон Президентини Исро Каримовни Ҳиндистон пойтахти Деҳлига етиб келди. Исро Каримовни Ҳиндистон раҳбарлари — Президент Шанкар Даял Шарма ва бош вазир Нарасимха Рао самий кутиб олди. Таомилга кўра, олий рутбали меҳмон шарафига фахрий қорувул саф тортиди, иккала давлат махфиялари янгради. Шу кунги Ҳиндистон давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан расмий музокаралар бошланди.

Деҳлидаги Жаҳоҳарла Неру университетини профессор-ўқитувчиларнинг ташнавали йиғилишида Исро Каримовга ҳуқуқшунослик доктори фахрий даражаси берилди. Ўзбекистон раҳбарининг ўзбек-ҳинд дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда демократик жамият барпо этиш йўлидаги хизматлари аниқ шундай тақдирланди. Бу йиғилишда Исро Каримов нутқ сўзлади. У ўз нутқида Ҳиндистон билан Ўзбекистон муштарак маданий меросга эга эканлигини, бу қадимий алоқалар бугунги ҳамкорлик учун замин бўлишини таъкидлади. Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг моҳияти ва асосий йўналишлари ҳақида гапириб берди.

Ўзбекистон Президенти, шунингдек, Ҳиндистон давлатининг асосчи, мутафаккир Махатам Ганди хотирасини ёд этиб, унинг ҳоқиқий пойнта гулчамбар қўйди.

### Исро Каримов: Ҳиндистон сафари самарали бўлди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСРО КАРИМОВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ НИХОЯСИГА ЕТИДИ. 5 ЯНВАРЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ.

Сафар мубоайнда иқтисодий алоқаларни ва ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш асослари тўғрисида битим имзоланди. Шунингдек, маданият, алоқа ва коммуникация, фан ва техника соҳаларида ўзбек-ҳинд ҳамкорлигини йўналишларини белгилайдиган яна бешта ҳужжат ва меморандумга қўл қўйилди. Давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақидаги ратификация ёрлиқлари алоқаларни ривожлантириш асослари амалга оширилган ишларнинг барчасини амалга оширишга эришди, — деди республикамиз раҳбари журналистлар билан суҳбатда. — Ҳинд заминидagi барча учрашувлар чуқур таассурот қолдирди, икки мамлакат ўртасидаги қадимий алоқаларга янги равишда бахш этди.

Тошкент аэропортида Президентни республика Олий Кенгаши Раиси вазири Исро Каримов, Бош вазир Абдулқошим Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Мавлон Умурзоқов, Алишер Азизхўжаев, Хайрулла Жўраев, Тошкент шаҳри ҳокими Адхамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги муваффақият ишлар вакили Алок Сен ҳам бор эди. (ЎзА).

### Исро Каримов — халқаро мукофот соҳиби

Ўзбекистон Президенти Исро Каримов «Халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик учун» мукофотининг лауреати бўлди. Бу мукофот «Руҳоният» деб аталган маънавиятни тиклашга кўмаклашувчи халқаро уюшманинг кенгаши берди. Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиё халқлари ўртасида яхши қўшничи-

лини ўрнатишга катта ҳисса қўшгани учун шу мукофотга сазовор бўлди. «Руҳоният» уюшмаси 1992 йилда Қирғизистон Республикасининг пойтахти Бишкекда ташкил этилди. Ҳукуматга дахлдор бўлмаган бу халқаро ташкилот миллий ва умумшаърий қадриятларни тиклаш ва тарғиб қилишни, халқлар-

ни маънавий жиҳатдан қайта тиклашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Москвада, бошқа катта шаҳарларда уюшманинг бўлиmlари бор. Уюшма кенгаши аъзолари таъкидлашга ва жамоат арбоблари, илм-фан ва маданият ходимларидир. (ЎзА).

### ХУСУСИЙЛАШТИРИШДАГИ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

5 январь кунги Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Деҳқонлар уюшмаси ва жамоа ҳўжаликлари кенгашининг йиғилиши бўлди. Вилоят уюшмаларининг вакиллари, қишлоқ ҳўжалик ишлари билан боғлиқ бўлган вазирликлар, концернлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида ўтган бу йиғилишда жамоа ҳўжаликлари намунавий уставига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш масаласи муҳокама этилди. Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков шу масала юзасидан нутқ сўзлади. Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотни янада чуқурлаштириш ҳақида» ўтган йил январида қабул қилган қарори, — деди у, — деҳқончилик-саноат мажмуи ҳодимлари олдига катта вазифалар қўйди. Қарорда зарар келтирилган ва кам рентабелли давлат ҳўжалиқларини ҳўжалик юритишининг давлат тасарруфига бўлмаган бошқа шаклларида босқичма-босқич ўтказиш кўзда тутилган. Ҳўжалик юритишининг ана шу шаклларига теъроқ ўтиб олиш бозор муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этишда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бултурги тажриба шуни кўрсатдики, — деди янги, — янгилаш ишлашга ўтган 715 ҳўжалик фаолиятида ижобий натижалар яққол намоён бўлди. Энг муҳими, бу ҳўжаликлар зарар кўрмиди. Ходимлар соғин ҳам қисқарди. Илгари 100 бош сўғир боқиладиган фермаларда етмиш, ҳатто ўз нафар ҳодим меҳнат қилган бўлса, 200 бош мол боқиладиган хусусийлаштирилган фермаларда 5—6 нафар чорвалор ишламоқда. Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўрилди. М. Исро Каримов Тошкент вилоят ҳокими этиб тайинлангани муносабати билан республика деҳқонлар уюшмаси ва жамоа ҳўжаликлари кенгаши раиси вазифасидан озод этилди. С. Сайдалиев шу кенгаш раиси этиб сайланди. (ЎзА).

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА

Республика экспорт имкониятларини ривожлантириш учун, Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси пул бирлигини барқарорлаштиришга доир махсус жамғармасини вужудга келтириш учун кулай шарт-шароит яратиш мақсадида ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг «Қорхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинган солиқ» ўғринидаги қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1993 йил 7 майда қабул қилинган қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Ўзбекистон Республикасини хулудда ишбилармонлик ёки ўзга фаолият билан шуғулланувчи ва хоржий валютада даромад олувчи мулкчиликнинг барча шаклларида қорхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар хоржий валюталарда тушумдан солиқ тўлайдилар ҳамда хоржий валютадаги тушумининг бир қисмининг Ўзбекистон Республикасини Марказий

банкка мажбурий равишда сотадилар.

Мавоза (Бартер) асосида экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш чоғида валюта тушуми миқдори битим қийматида қароб ҳисобланади ҳамда хоржий валюталарда тушумдан солиқ ундириш ва Марказий банкка мажбурий равишда сотиш объекти бўлади.

Хоржий валюталарда тушумдан солиқ республика валюта жамғармасига ўн фоиз миқдорда, Қорақалпоғистон Республикаси, виллоятлар ва Тошкент шаҳри валюта жамғармаларига беш фоиз миқдорда тўланади.

Қорхоналар хоржий валюталарда тушумдан солиқ тўлаш билан бир вақтда Марказий банк ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўрнатган тартибга мувофиқ хоржий валюталарда тушумнинг 15 фоизини Марказий банкка мажбурий равишда сотади.

2. Хоржий валюталарда тушумдан солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

### Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ АЙРИМ ФАРМОНЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ИҲҚОТГАН ДЕВ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ва «Фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунарига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Совети Президиумининг қуйидаги фармойишлари ўз кучини йўқотган деб эътироф этилсин:

1982 йил 14 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район советлари икромия комитетларининг бўлиmlари ва бошқармалари ҳақида» ҳамда уларни тузиш тартиби тўғрисидаги (Ўзбекистон Республикасини Олий Советининг вазирлари, 1982 йил, № 17, 313-модда);

1987 йил 1 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини халқ депутатлари область, район, шаҳар, ша-

ҳарлардаги район советлари икромия комитетларининг бўлиmlари ва бошқармалари рўйхатида ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги (Ўзбекистон Республикасини Олий Советининг вазирлари, 1987 йил, № 19, 196-модда);

1988 йил 28 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район советлари икромия комитетларининг бўлиmlари ва бошқармалари рўйхатида ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги

1994 йил январида 11,5 миллиард сўм-кўпонага етгани таъкид этилди;

4. 1994 йил 4 январдан бошлаб қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотлари шартнома асосидаги (эркин) нархларининг қуйидаги янги даражаси келишиб олинди:

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗБЕКСАВДО» ДАВЛАТ УЮШМАСИ ВА «ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 16 июлдаги 360-қарорига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига, жумладан, энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларига эркин нарх белгилашга ўтишни 1994 йил 1 январга яна хисобга етказиш белгиланган эди.

Бу, иқтисодий ислохотлар йўлини давом эттириш, ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ҳамда яқин ва олин хоржийдан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш ҳаражатларининг ошиб бораётгани, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотларини республикадан ташқарига гафрикочунчи йўл билан олиш чикиб кетишга уринишлардан ҳимоя қилиш зарурлиги билан боғлиқ.

Ана шу вазиятни ҳисобга

олиб, шунингдек, аҳолига ижтимоий мадад бериш мақсадида «Ўзбексаवдо» давлат уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» ва республика Молия вазирлиги қуйидаги қарорни қабул қилдилар:

1. Аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан белгиланган миқдорда таъминлашнинг амалдаги тартиби вақтинча узайтирилди;

2. 1994 йилнинг январь ойида гуруҳ, усимлик ёғи, қанд-шакар ва чойнинг шартнома асосидаги (эркин) чакана нархларининг амалдаги даражаси сақланиб қолади;

3. Сотиб олинаётган бурдоё ва шу бурдоёдан тортиладиган ун қиймати кескин ортишига (дон — 1 килограмми 150 сўм-кўпон, бурдоё унинг 1 килограмми — 200 сўм-кўпон) қарамай, нон

навларига белгиланган чакана нархлар 1994 йил январь ойида олдинги даражада сақланиб қолади.

1994 йилнинг январидан нон учун давлат томонидан ажратилаётган ёрдам пули 1993 йилнинг декабридаги 3,7 миллиард сўм-кўпондан

1 категориядаги ҳамма турдаги гўшт (парваранда гўштидан ташқари) — 1 литри 300 сўм-кўпон, Ёғи олинмаган сўт — 1 литри 250 сўм-кўпон, Ун ўрғача — 1 донаси 200 сўм-кўпон.

Шу билан бир вақтда республика ҳукумати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, виллоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига ишлаб чиқариш чимқилари ва ҳаражатларини қисқартириш ҳи-

### ЭЗГУ НИЯТ

#### Тошкент вилояти ҳокими Мирзамурод ИКРОМОВ билан суҳбат

— Мирзамурод Бердимуродович, аввало, Свияга янги лавозимга тайинлаганингиз билан табриклаймиз.

— Раҳмат. Тошкент вилоятидаги улкан виллоятда бошчилиги қилиш осон иш эмас. Айниқса, сессиямизда Президентимиз айтган гапларини эшитганда, зиммамга қанчалик катта масъулият юклатганини чуқур ҳис этдим.

Исро Абдулқошиевичнинг раҳбарга қўйилган урта талаб тўғрисидаги мулоҳазалари барча раҳбарлар учун сабоқ бўлиш билан бир қаторда, улар тегишли ҳўсаларни чиқариб оладилар, деб ўйлайман. Эеро, раҳбар қайси лавозимда ишламасин, биринчи навбатда ўзининг ним учун, нима учун хизмат қилаётганини теран англамоқ, ана шу Ватанга нима бердм деган саволга жавоб бермоғи зарур. Унинг она юртва содоқати, миллий гурури, халқига эътиқодидан келиб чиқадиган мукамал иш дастури, режасиз энг янги бўлиши керак. Бизга қўйилган энг биринчи талаб Республика Президентини ва ҳукуматни юртайтаган доно ички ва ташқи сиёсатини халққа етказиш, уни долзарб вазифаларини бажаришга олтаниришдан иборат.

— Виллоят уюшмасида, аввало, ҳам ўзига, ҳам бошқаларга талабчан бўлиш керак. Ҳўнда қилиб айтганда раҳбарнинг биринчи вазифаси эл манфаатини қўзлаб меҳнат қилишдир.

Сессияда Тошкент вилоятининг салюҳати, аҳил, меҳнатқаш халқи ва юксак кўдратга эга бўлган иқтисодий этиштирилган илтиқ гаплар залда ўтирган ҳар бир кишини ўйлашга, атрофга сермақроқ боқишга ундади. Йилнинг соғлиқ, юртбошимизнинг берган маслаҳатлари ҳар биримизнинг юрагимиздан жой олиб катта-кичикким халқ учун қилатган барча ишларимизда ўзининг акс садосини топади.

— Виллоят савоатини иқтисодий қолоқдан олиб чиқиш, халқнинг зарур негизмолларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ишчи ниямдан бошламоқ ниятисизми? Виллоятда иқтисодий ислохотни самарали амалга ошириш, халқни ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш режаларини қандай?

— Яширишнинг ҳоқати йўқ, ҳозирги кунда виллоят иқтисодиётида ачинарли аҳвол юзата келган. Бунга таалуудли қўлғига рақамларни келтириш мумкин. Савоат маҳсулотни ишлаб чиқариш оқсамоқда, зарар кўриб ишлаётган қорхоналар қамалини ўришга қўлаймоқда.

Булларнинг ҳаммаси кескин бурилиш қилишни тақозо этмоқда. Биз вужудга келган аҳволни атрофлича таҳлил этиб, тегишли чора-тадбирларни белгилаб олдим.

Ижтимоий ислохот шунчаки ислохот эмас халқ учун амалга оширилмоғи лозимлигини кўп таъкидланаётгани бежиз эмас, тўғри, савоат ишлаб чиқаришдаги пасайишнинг объектив сабаблари ҳам бор. Соёқ Иттифоқ доирасидаги алоқаларнинг узиллиши, хомашиб этишмаслиги бизга ўз таъсирини ўтказмоқда. Бундай шартномада қўл қовуштириб туриб бўлмайди. Қорхоналарни илочи борича маҳаллий хом ашё билан ишлашга ўтказиш мумкин-ку, ахир бу қорхоналарнинг виллоятдаги жамоа ва давлат ҳўжалик ларида кичик-кичик бўлиmlарини таш қилиш билан таъминлаш мумкин-ку. Айни пайтда ишчи ва хизматчиларни малакасини ошириш, қўшимча касбларга ўргатиш, бир сўз билан айтганда одамларда ишбилармонлик, тадбиркорлик ҳис таларини шакллантиришни тақозо қилади.

Демоқчиманки жойлардаги муаммоларни ҳал этиш йўллариини изламоса, қийинчиликларни бартараф этмоса ундай раҳбарнинг кинга кераги бор. У мана шу масалаларни энг мақбул ечимини топиб қаракат қилиш учун ҳам раҳбар

булиб ўтирибди-ку. Қисқа қилиб айтганда ҳар қайси раҳбар ўша, олдин бригада бошлиғидан тортиб мутахассис, ҳўжалик, қорхона раҳбари, ҳокимга ўзга вазифасининг масъулиятини бўйнига олиб, ташаббус кўрсатиб, астойдил жон куйдириб меҳнат қилмас экан бир жойда депсиниб туравермасин. Агар биз бундан тегишли ҳўлоса чиқариб оласан юқоридаги муаммолар ўз ечимини топади, албатта.

Сессияда виллоятда аҳолини иш билан таъминлаш дастури ҳалигача ишлаб чиқилмагани таассуф билан гапирилди. Холбуки, бу иш билан бевосита шуғулланувчи бошқарма бор. Қолаверса, ҳар бир қорхона, ҳўжалик раҳбарининг биринчи вазифаси аҳолини иш билан таъминлаш эмасми? Халқнинг ижтимоий аҳолини яхшилашдаги беш омил ана шу муаммонини зудлик билан ҳал этишда деб биланам.

Туман ва шаҳарларда бу борада ишлар бошлаб юборилди. 1994 йилнинг биринчи чорағидеб кам деганда 2,5 минг қўшимча ишчи ўринларини ташкил этиш белгиланди. Бунда биринчи навбатда қишлоқларда кичик қорхоналар очиб беш масала қилиб қўйилди.

Ҳозирнинг ўзидеб Кекобод Демобод комбинати Кекобод туманидаги Давларзин посёлкасида ўз кичик қорхонасини очиб учун 100 млн. сўм маблағ ажратди. Олмалик сўт заводи Пискент туманида мевасабзавотни қайта ишлайдиган янги линияни ишта туширишни ўз оталиғи олди. Виллоятдаги бошқа йирки савоат қорхоналари ҳам қишлоқларда, ҳўжаликларда ўз кичик қорхоналари ва филиалларини очиб юзасидан тақлифлар тайёрламоқда.

Бу борада Тошкент вилояти билан Тошкент шаҳри ўртасида икки тарафлама фойдаланиш ўзаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш юзасидан имзоланган шартнома диққатга сазовордир. Эндиликда шаҳар туманлари ва савоат қорхоналари ҳам виллоятнинг қишлоқ туманларида кичик-кичик қорхоналарни ташкил этадилар. Ўз ўрнида биз шаҳарликларга сифатли қишлоқ ҳўжалигини ва чорвачилик маҳсулотларини етказиб, берамиз. Ўйлайманки бу биринчи галда Тошкент вилояти, пойтахт шаҳри аҳолисини фаровонлигини оширишга, қолаверса Республикамиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшади.

— Сўзсиз юқоридagi режаларни амалга оширишда туманларнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб кичик ва қўшма қорхоналар фаолиятини яхшилаш айни мудио деб ўйлайман.

— Ҳўнда тўғри таъкидладигиз. Қишлоқларда ташкил этилаётган қўшма ва кичик қорхоналар қанча кўп бўлса шунча яқин, улар ҳисобига халқини қўшимча истеъмол моллари билан таъминлаш имконияти бўлади. Иккинчидан бу аҳолини ижтимоий ҳимоялашни яхшилашнинг асосий йўлларидан биридир. Урта Чирчиқ, Қибрай, Тошкент туманларда амалга оширилаётган ишлар дастлабки қандамлардир.

Ҳозирги кунда бу туманларда 400 дан ортиқ кичик ва қўшма қорхоналар кенг фаолият кўрсатмоқда. Уларда 8500 дан ортиқ киши иш билан банд бўлиб, кийин бошдан тортиб зарур бўлган ўқув қурол-қуралга ишлаб чиқариладиган, Мисол учун Тўғтаевдаги туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Бурсел» қўшма қорхонасини олайлик. Бу ерда 241 нафар ёшлар меҳнат қилиб кунига 1500—1600 та эркаклар қўйилганин ишлаб чиқиш йўлга қўйилган. Виллоятимизнинг бошқа туманлариди ҳам бу тақрибларни омаллаштириш, ривожлантириш давр талаб қилган долзарб вазифадир.

— Виллоятда чорвачилик оқсатгани ҳам сир эмас. Свиягага бўлиб бораётган ишчи ниямдан бошлаш тўғри бўлар эди?

Сўзбати  
Ф. МУХИДИНОВ,  
П. ИШОПОВ,  
Э. ИШИДОВ

# ҚАЙТА КАШФ ЭТИЛГАН ҲИНДИСТОН

Даврнинг шиддатига таян бермасликнинг иложи йўқ. Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг Ҳиндистон Республикасида илк ташрифига ҳали икки ярим йил ҳам бўлмаганини бугун тасаввур этиш мушкул. Ҳўна тарих учун кийриш қосқудек бу давр асрларга таятулик оламшумул воқеа, янгилашни ва ўзгаришларни ўзидан қамраб олодигани, уларни санаб адоғига етиш қийин. Айниқса, Президентимизнинг мафтункор ҳанд дидерига биринчи ташрифидан икки ҳафта ўтар-ўтмас юртимизда истиқлол кўеши нур соча бошлаганини аёда олиш марақли.

Бу икки йилдан хйёл мулроқ мулдат ичда Ўзбекистон халқаро майдонда бўйбастини кўрсатишга улгурди. Дунё харитасидан қонуний ўрнини эгаллаган Ёш мустанқил давлатни жаҳон тан олибгина қолмасдан, унинг дадил эъгулинка йўрилган овозига тобора диққат билан қўлоқ тутмоқда, адолатли, тинчликпарвар, холис снбатига ҳайрхоҳлик билдирипти.

Ўзбекистоннинг тобора ортб бораётган халқаро образи Президентимиз бошчилигидаги давлат делегациясининг Ҳиндистонга ташрифи бошланган давлт сезилди. Ҳиндистон Президентининг мухташам «Раштрапати Бхаван» қасрида Ислам Каримовга кўрсатилган юксак эҳтиром, замбарақларнинг тантанавор гузбурлашлари, давлатимиз байроқларининг Ҳиндистон пойтахти марказий кўчаларини беазагонлиги бунинг ташқи кўринишлари бўлса, Ҳиндистон Президентини Шанкар Шарма, Бош вазир Нарасимха Рао билан уч кун мобайнида бўлган роат дилнаш мулоқотларда Ўзбекистоннинг халқаро мавқеатга берилган юксак баҳолар, бу ташрифнинг жаҳон оммавий ахборот воситалари диққат-этиборида турганлиги икки мазмун ва моҳиятини белгилади, дейиш мумкин.

Президентимиз мулоқот ва учрашуларда алоҳида таъкидлаганларидек, Ўзбек ва Ҳинд алоқалари минг йиллик тарихга эга. Ақлодларимиз бу муносабатда дўстлик қасрини тиклаш учун жуда кўп иш қилганлар. Ўзбекистон мустанқилликка эришгач, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда қанақадан янги саҳифа очилди. Юрбошимизнинг ҳинд дидерига биринчи сафари, Бош вазир Нарасимха Раонинг 1993 йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи натижаларида имзоланган йиғирмадан кўпроқ ҳужжат давлатлараро муносабатларимизга ишончли ҳуқуқий пойдевор қўйди. Снсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги ҳамкорлигимиз ривожлана бошлади. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ташаббуслари Ҳиндистон томонидан қўллаб-қувватланши, ташкил этилаётган янги-янги Ўзбек-Ҳинд қўшма корхоналари, икки мамлакат илм-фан, адабиёт ва санъат намоёндаларининг қайли алоқалари бу муносабатларнинг илк медалларидир.

Ҳамкорлигимиз раванқ топиб бораётган бўлса-да, иқтисодиёт соҳасидаги ишларимиз Ўзбекистон ва Ҳиндистон имкониятлари даражасида деяр олмайди,— алоҳида таъкидлади Ислам Каримов Ҳиндистон саноятчилари конференциясини вакиллари билан учрашувда. — Ўзбекистонда бугунги кунда хоржий шериклар билан 1000 га яқин қўшма корхона ташкил этилган ҳолда, уларнинг атғи 14 таси ҳинд тадбиркорлари билан тузилган. Булардан 6 тасиница ишлаётгани бунга мисол бўла олади.

Табийки, етти эмас, етмиш ўлчаб бир несадиган хоржийлик тадбиркорни иқтисодий бўҳронлар давом этаётган бугунги шароитда дадил ишта киришишга даъват қилишнинг ўзи жуда камлик қилади.

У ҳамкорликнинг қафолати эканлигига, самарали бўлишига қатъий ишонч ҳоли қилиши керак.

Президентимизнинг Ҳиндистондаги машҳур фирма-лар раҳбарлари аъзо бўлган санаотчилар конфедерациясидаги нутқи худди шундай мантиқ ва далиллар залвори билан жозибали бўлди.

— Тадбиркор учун иш бошлашда энг асосийси нима? — Мурожат қилди тўпланганларга юртбошимиз. — Менимча, биринчи навбатда — мамлакатдаги снсий барқарорлик. Ўзбекистонда тинчлик ва осийшганлик ҳўки сураётганини билсангиз керак. Иккинчидан, мамлакатимизда хоржий тадбиркорлар билан ҳамкорликни рағбатлантириш, хусусан, солиқ имтиёзлари бериш учун ҳуқуқий негиз яратилган. Масалан, кирилган сармоялар даҳлосиди, уларни олиб чиқиб кетиш қафолати берилди. Сармоя киришиш учун Ўзбекистон жуда кўп афзалликларга эга. Бугунги кунда хоржий сармоядорларга Ўзбекистонда тадбиркорлик учун қафолат бера оладиган жаҳон банки, Европа банки, Дойче банк, Франс де Коммерсал каби энг йирик банкларга таяниш иш қўриш мумкин. Бизнинг табиий бойликларимиздан дунё энди хабар топади. Шунга эътиҳ қийоғи, чет эл мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистоннинг қидириб топилган табиий бойликларининг ўзи бир неча трилдон долларни ташкил этар экан. Республикада юқори малакали мутахассислар, ишчилар кўп, коммуникатив тараққий этмоқда.

Ҳўш, сизни яна нима ташвишлантиради? Давлатларимиз ўртасидаги масофами? Лекин, бизга Жанубий Корея Ҳиндистондан яқин эмас. Бирок, «Доу» фирмаси, АНШ, Германия, Швейцария ва бошқа тараққий этган давлатларнинг машҳур фирмалари алоқадор ишчи ишлаб кўриган. Айтиб кўяй: иқтисодий ҳамкорлик йўлига чиққан поезда ўхшайди. Унга кечикканлар охири вагоннинг зинасига ҳам чиқа олмай қолишлари мумкин. Сизларни иқтисодий ҳамкорликка қорайтганимнинг яна бир сабаби бор. Ўзбек халқининг ҳинд халқига меҳр-муҳаббати азалий ва абадийдир. Бу эса иш бош-

лашнингиз учун қўлай имконият бор, дегани. Мен эса, Президент снфатида Ўзбекистонда қўшма корхоналар ташкил этидиган ҳар бир ҳинд тадбиркорининг биринчи ёрдамчиси бўлишга тайёрман.

Тилмоч бу жумлаи таржима қилган замон тўпланганлар оёққа қаққидилар, қарсақлар, олқишлар анчагача давом этди. Ҳинд санаотчилари ҳажмон билан Президентимиз нутқидан олган таассуротларини ўртоқлашишга тушдилар.

— Очғи, Ўзбекистон, унинг иқтисодиёти ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас эканмиз,— деди «Тата Стил» фирмасининг Деҳлидаги корхоналари раҳбари жаноб С. Рамкришна.— Президентингиз тақлифларини дарҳол ўрганиб чиқишга киришамиз. Яқин орада фирмамиз вакилларини Тошкентда учрашиб қолсангиз ажаб эмас. Телекоммуникациялар ишлаб чиқаришга иктисослашган «Ур» корпорациясининг вице-президенти С. Ниганнинг фикри ҳам шунга яқин бўлди.

— Ўзбекистон бундай имкониятлар билан бошқа мамлакатлар шериклар ҳамкорлигида иқтисодиётини юксалтира олади, албатта,— деди у.— Лекин бу ҳаракат қилиб қолмасак, фурсатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Чунки, Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг юраги. Бу ерда қўшма корхоналар ташкил этиш ана шу минтақада мавқеанин мустаҳкамлашга катта имкон туғдиради.

Ҳиндистон санаотчилари конференциясининг президенти жаноб Намшид Годарей ҳам учрашув катта муваффақият билан ўтганини таъкидлади.

— Эҳтимол, бу ҳақда гапириб бироз ноқулайдир,— деди у ҳажмон билан.— Конфедерацияимизда хоржий меҳмонлар, жумладан, давлат раҳбарлари ва ҳўкумат бошқаруви билан бундай учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади. Аммо, мен бир мулоқотнинг ўзида дунё кўрган санаотчиларни лол қолдирган, гоё ва фикрларига нафақат ҳайрхоҳ, балки манфаатдор шерик қилиб олган давлат раҳбарини биринчи марта кўриб турибман. Сиз Президентимиз билан ҳар қанча фахрлансангиз арзийди. У башорат қилдети, ҳангек, Ўзбекистон, албатта буюк давлат бўлади. Ҳиндистон санаотчилари бу олий мақсад сари интилишларингизда сиз билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Яқин вақт ичда биз Тошкентда конференцияимизнинг ваколатхонасини очамиз. Мамлакатимиз раҳбари



СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Ҳиндистонга сафаридан лавҳалар.

Бош вазир Нарасимха Рао жаноби олийлари билан икки бор амалий мулоқот ўтказгани, молия вазири Манмазон Сингх, савдо вазири Пранаб Мукеяржини қабул қилганидан сўнг иқтисодий ҳамкорликнинг истибболари ойднлашди. Яхшиси, бу ҳақда Ўзбекистон давлат делегациясини тарбияда бўлган вазирлар ва конферлар раҳбарларининг ўзлари сўзлашсин.

Ўқтам Исмоилов, «Ўзенилсаноат» давлат ассоциацияси бошқарувининг раиси: — Ҳиндистоннинг «Хабар Груп» фирмаси билан Фарнода йилга 4.000 тонна ил калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қўшма корхона қуришга келишиб олди. 1994 йил охиригача ҳинд шерикларимиз Европа банкидан оладиган 11 миллион долларлик кредитга Швейцариянинг энг замонавий машина-ускуналарини ўрнатади. Шунга алоҳида таъкидламоқчимманки, бу қўшма корхона маҳсулотни асосан жаҳон бозорига олиб чиқишга мўлжалланган. Яна шундай бир неча лойиҳа устида ишларни тешлаштиришга ҳам келишиб олди.

Шавақиддин Мирзаев, «Ўз-мевасабзаотвузумсан о а т» давлат концернининг раиси:

— Биз «Акшў» фирмаси билан помидорни қайта ишлаб, жаҳон бозорига хариддориг маҳсулот тайёрлайдиган қўшма корхонани шу йил охиригача ишта туширишга келишиб олди. «Ротан» фирмаси билан эса Самарқандда шарбат тайёрлайдиган қўшма корхона қуриш лойиҳаси устида иш бошланди.

Виктор Чжен, «Маҳаллий санаот» давлат корпорациясининг раиси:

— Биз «Моди» фирмаси билан швед технологияси асосида йилга 100 минг тонна гўзоподан 60 минг кубметр қийиқли пията тайёрлайдиган қўшма корхона ташкил этишга ақдлашдик. Бу республикамизга ҳозир четдан келтириладиган ёччи 30 фоизга камайтириш билан бир, қишлоқларда янги иш ўринларини вужудга келтиради.

Мираброр Усмонов, «Ўзбексавдо» давлат уюшмасининг раиси:

— Ҳиндистонлик ҳамкорларимиз мамлакатимизга чой, қаҳва, кийим-бош, газомол, атторлик моллари ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилишни кўпайтиришга қарор қилди. Республикада минда савдо корхоналари амалда ҳусоюйлаштириб бў-

лингани уларни айниқса қидириб қолди. Ҳинд савдо доиралари ҳусоий дўкон эгалари билан теда қалин алоқаларни ўрнатишга интиляптилар. Ўзбекистонда яқин орада очиладиган Ҳиндистон савдо уйи, Ҳиндистонда эса Ўзбекистон савдо уйи худди ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Рустам Азимов, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнининг раиси:

— Биз Ўзбек-Ҳинд қўшма банкни ташкил этишга келишиб олди. У Ўзбек ва Ҳинд ишбилармонлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришга кўмаклашади.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг раиси Ваҳид Рақомов ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг бош директори Ганий Рафиқов ҳам мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлик, самолёт қатновини ривожлантириш, меҳмонхоналар қуриш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

Давлат ташрифида иқтисодий масалалар асосий ўринини эгаллаган бўлса-да, уч куннинг ҳар бир дақиқаси ҳисобда бўлган тигиз дастурда Ўзбек-Ҳинд муносабатлари раванқи учун катта аҳамият касб этган бошқа учрашув ва мулоқотлар ҳам кўп бўлди.

Ислам Каримовнинг Ҳиндистон парламенти аъзолари билан учрашуви ҳам шу жаҳатдан эътиборлидир. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Саидмуҳтор Саиджосимов, делегациянинг бошқа аъзолари иштирок этган бу учрашувда қўшма бошқа масалалар қатори халқаро муаммолар юзасидан ҳам ошқорна фикр алмашилди. Юрбошимиз республикада очин, демократик ҳуқуқий давлат, адолатли жамият қурилаётганини қайд этиб, қабул қилинган конституцияимиз бу йўлдаги салмоқли қадам бўлганини таъкидлади. Айни пайтда олижаноб мақсад ва ниятларнинг муштараклиги Ўзбекистон билан Ҳиндистоннинг халқаро масалаларда леярли бир хил ёндашувида ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон халқаро майдонда қўшилмаслик ҳаракатини ривожлантириш маънавий ёрдами, қўллаб-қувватлашига умидвор, албатта.

Деҳлидаги Жаҳоқарал Неру университетига Ўзбекистон Президентини Ислам

Каримовга ҳуқуқшунослик доктори фахрий унвонини берилишига бағишлаган тантанали маросим тарихи ва маданияти яқин икки халқ дўстлиги байрамига айланди. Аввало, Жаҳоқарал Неру университети Ҳиндистондаги энг нуфузли олий ўқув юрти бўлибгина қолмасдан, жаҳондаги йирик илмий марказ ҳам эканлигини эслатиш ўринлидир. Унинг фахрий унвонига сазовор бўлганлар саноқли. Хусусан, сўнгги марта университет фахрий доктори бўлиш шарафи Германия Федератив Республикасининг собиқ раҳбари, Нобель мукофотининг соҳиби Вилли Брандга насиб этганди.

Ҳиндистонни илк бор туркий халқлар учун аллома Беруний кашф этган бўлса, уни иккинчи бор Ўзбек халқини учун сиз кашф этдингиз. Бу раъзий ташбехнинг амалий мазмуни ҳам бор. Бевоита Президентимиз ташаббуси билан Жаҳоқарал Неру университетига Ўзбек тили ва адабиёти бўлими ташкил этиладиган. Тошкентда эса Ҳиндистон малайяни маркази очилди ҳам бўлди.

Ўзбекистонлик меҳмонлар сафида бўлган шарқшунослик институтининг бўлим мудири, республика Фанлар Академиясининг муҳбири аъзоси, Жаҳоқарал Неру номидаги халқаро мукофот соҳиббаси Сабоҳат Азимжонова, таниқли адиблар Саид Аҳмад ва Муҳаммад Али, кинорежиссёр Латиф Файзиев, «Ўзбекистон-Ҳиндистон» дўстлик жамияти вице-президенти Озод Шаматов бошқаларнинг ҳинд биродарлар билан мулоқотлари ҳам янги асрлар, тадиқотлар учун мавзу бўлишига умид қилиш мумкин.

Уч кунлик ташрифнинг бутун қўлами, моҳияти ва аҳамиятини бир газета мақолада баён этиб бериш амри маҳол. Уларни тўлароқ, муфассалроқ, чуқурроқ идрок этиш учун бироз вақт керак. Сафар таассуротларини эса аjoyиб раъзий маъно касб этган маросим ҳақидаги ҳўюя билан яқулламоқчимман.

Президентимиз ҳинд давлатининг асосчиси Маҳатма Ганди ёлгорлиги пойига гуллар қўйиб, энграт қилгач, хотира боғига эзгу ният билан бир тўп ниҳол ўтказди. Сўнгга мамуният билан:

— Бу ниҳолнинг тағ-томиллари халқларимиз ўртасидаги дўстликдек бақувват ва чуқур бўлсин! — деб ният қилди.

Фикримча, бу дўстлик, қардошлик, биродарлик навниҳоли биргина шу боғқа эмас, бутун Ҳиндистон заминига қаладандек. Ҳозир-кунда улар барг ёза бошладилар. Давлат ташрифи натижасида имзоланган олғига ҳўкумат — иқтисодий ҳамкорлик асослари ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, фан-техника, маданият, почта алоқалари, телекоммуникация соҳалари, да ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битимлар, Ўзбек-Ҳинд қўшма банк ташкил этиш тўғрисидаги келишувлар бунинг ёрғин далилларидир.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташрифининг сўнг Ҳиндистон бизга яна ҳам яқинроқ бўлиб қолди. Экинган дўстлик ниҳоллари келгудек аjoyиб самара беришга шубҳа йўқ.

Эркин ЭРНАЗАРОВ. (ЎзА). Тошкент — Деҳли — Тошкент.

# ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг биринчи ўринбосари И. ЖўРАБЕКОВНИНГ деҳқонлар уюшмаси ва жамоа хўжаликлари кенгаши йиғилишида сўзлаган нутқи

Ҳурматли биродарлар! Бу ерда сизлар билан зимминиздаги долзарб масалалар ҳусусида маслаҳатлашиш, мавзуда муаммоларни биргаликда кўриб чиқиш мақсадида йиғилдик. Хабарингиз бор, Ўзбекистон Хўжалиқ Президентимиз Ислам Каримов бошчилигида мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларини белгилаб берди. Утган қисқа даврда қишлоқ хўжалигида ислохотни жорий этиш, маҳсулот етиштирувчиларга эркинлик бериш, уларнинг ҳўқуқларини кенгайтириш, моддий манфаатдорлигини ораштириш учун шарт-шароит яратишга иччиллик билан киришилди. Шу вақт мобайнида мулкчилик, ер, деҳқон (фермер) хўжаликлари ва ишбилармонликни ривожлантириш тўғрисида қонуналар қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ ҳар бир туманининг ўзи-гина хос хусоиятларини, миллий анъаналар ва демография қазинати ҳисобга олган ҳолда қишлоқда давлат хўжалиқларини мулкчиликнинг бошқа шаклларига бошқичма-бошқич ўтказиш йўллари белгиланди. Шу асосда давлат хўжаликлари жамоа ва деҳқон хўжалиқларига, ширкатларга айлантирилмоқда. Айниқса деҳқон хўжалиқлари янги самара бермоқда. Масалан, Бўҳоро вилоятининг Усмонов Юсуфов номидаги жамоасидан Мустафо Файзуллаевнинг «Истиқлол» фермер хўжалиги 1989 йилда ташкил этилган бўлиб, унга 6,5 гектар ер ажратилган эди. Бугунги кунда экин майдонлари 22 гектарга етди, унда олти янми ишламоқда. Утган йили жами 29

тонна гўшт, 56 тонна сут етиштирди. Ҳар бир снгрлик маҳсулдорлиги 3120 килограмм, гўштга топирилган қорамолнинг ўртача вазни 763 килограмм бўлди. Янги даромад 22 миллион сўмини ёки ҳар бир юмушчиининг ўртача маоши 218 минг сўмини ташкил этди.

Утган йилнинг ўзида жами 715 та давлат хўжалигини мулкчиликнинг бошқа шаклларида қўйишга қарор қилинди. Уларнинг давлат банклари ва таъминотчиларига тўлов муддатни ўтчи кетган қарзларини қайтариш муддат 20 йилга узайтирилди. Мулкчиликнинг бошқа шаклига ўтган хўжалиқларнинг ички тузилмаси ва иқтисодий муносабатлари тубдан ўзгармоқда. Ислоҳ қилинган хўжаликларда қишлоқ ҳўжалиқлари 4 минг янми қисқарди. Итгари хўжалиқлар бошқарувида банд бўлган мутахассислар бугун бевоита

қон хўжалиқларига бўлиб берилди. Ҳозир 7 мингта яқин фермер хўжалиқларининг деҳқончилик маҳсулотни етиштиришга қўшаётган улуш йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Мингта яқин чорва фермаси меҳнат жамоаларига мулк снфатида берилди. Бу борадаги ишлар 1994 йилда ҳам давом эттирилди. Қўпчилик фермаларга етарли ер майдони ажратилди. Ишбилармонлар ва деҳқон хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Тадбиркор» банки фаолият қўрсатмоқда. «Ўзқишлоқсўғатимноқтузатиш» қўмитаси уларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш учун бир қатор савдо ва техника хизмати шохобчалари очди.

Ҳўжалиқларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида давлат бюргомалари йил сайин қисқартрилимоқда. Бозор иқтисодиёти қўлуниятига риоя қилган ҳолда давлат харид нархлари белгиладиган маҳсулотлар тури қамаймоқда. Пахта, буюғи, гўшт ва сўтдан ташқари барча хил маҳсулотга деҳқонларнинг ўзлари эркин нарх белгилайди. Бу хўжалиқлар иқтисодиётини янада барқарорлаштиришга олиб келмоқда.

1993 йилда деҳқонларнинг давлатга сотган ҳамма турдаги маҳсулотларининг ҳақи кечкиб бўлса ҳам тўла бўлди. Ҳамдўстлик мамлакатларининг бирорғисида бундай иш амалга оширилгани йўқ.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг 15 январидан 30 январигача вазирилар ўртасидаги қарзлар банк судаси ҳисобига тўлаб юборилиши тўғрисида қарор қабул қилди. Натижада ҳамма қарзлар тўлаб юборилди. Ва, ниҳоят, қўллаб қорхоналарнинг молиявий аҳволи яхшиланди, 1994 йилда бир метёрада ишлашга имкон яратилди.

Кўп йиллик тажрибадан маълумки, қишлоқ хўжалиқ соҳасидаги майда жамоалар ҳеч қачон янми натижага эришмаган. Улар янми тартибда йирик муаммоларни ҳал қила олмайди. Даромадининг кўп қисми бошқарув идорасини сақлашга сарфланади. Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, деган халқнинг доно нақли бор. Шунга инобат олиб, Вазирлар Маҳкамаси ўтган йил 7 январидан қарорига давлат хўжалиқларини бошқа новаларда хўжалиқларига айлантиришга уларнинг яхшиликни сақлаш ва ер майдонининг бўлинишига йўл қўймасликни кўзда тутган эди. Бўроқ баъан вилоятларда хўжалиқларнинг бўлини кетишига йўл қўйилди. Натижада

ми кескин пасайди, иқтисодий аҳвол ёмонлашди. Масалан, Қўйчиқирғи туманидаги «Ҳанкент» жамоасидан «Кентас» ва «Юлдуз» хўжалиқлари ажралиб чиққан эди. Уларнинг экин майдонлари 300 ва 500 гектар бўлиб, ўтган йили пахта таяй ёрлаш режаси атғи 76—56 фоиз бажарилди, қўллаб қорхона далада қўлиб кетди. Бу хўжалиқларнинг таъминотчилардан қарзи 80 миллион сўмга етди.

Шу туманининг Улугбек номидаги жамоасидан ажралиб чиққан «Қизил Шарқ» ва «Йўлбошич». Бўка туманининг Ф. Ражабов номидаги жамоасидан ажралиб чиққан «Қашқадар» хўжалиқлари ҳам шундай ҳолат содир бўлди. Асака туманида ҳам бир қатча хўжалиқлар парчаланиб кетган эди. Бунинг яхшиликка олиб келмаслигини сезган хўжалиқ аъзоларининг жалтмоси қайта илгарини яамоалар билан тикланди.

Қўпича хўжалиқнинг номининга ўзгартириш билан чегараланилмоқда. Знён кўриб ишлайдиган мулкчилик шакли ўзгарган 115 та хўжалиқдан фақат 117 тасининг раҳбари алмаштирилди, холос. Оқибда бундай жамоалар фаолиятида ўзгариш сезилмади. Чунки қотиб қолган, эскича фирқарилган, янгиликни, давр талабни сезмайдиган раҳбарлар бозор иқтисодиёти шароитида



# «ҲАЖВИЯ—94» ТАНЛОВИДА ҚАТНАШИНГ

## ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Одамлару, одамлар, эшитмадим деманглар, эшитганлар тингланглар!  
 Республикаимизда биринчи мартаба — 1994 йилнинг 8 февраль кунин Тошкент вилояти ҳокимлигини Қўбрай туманининг «Дўрмон» жамоа ҳужалиги маданият саройида Абдулла ҚОДИРИЙНИНГ 100 йиллигига бағишланган вилоят ёш ҳажвчи ёзувчи ва шoirларининг

### «ҲАЖВИЯ — 94»

қўрик-танловини ўтказида.

Танловда Тошкент вилоятида истиқомат қилув-

чи 16 ёшдан 35 ёшгача бўлган ижодкорлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов иштирокчилари таъкилий қўмитага асарларидан икки нусха топширишлари лозим. Қўриктанлов ғолибларига (I ўрин — 100 минг, II ўрин — 70 минг, III ўрин — 50 минг) пул мукофотлари, қимматбаҳо соврин ва дипломлар ажратилган. Танлов асарлари I февралгача Тошкент вилоятининг маданият ишлари бошқармаси биносиде қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Комил Ерматов кўчаси, 14-уй, 2-хона, 153-автобус, 7-троллейбусларнинг Етти терак бекати.



ТОШКЕНТ вилоятидаги Н-ҳарбий кичик аскарлари ва зобитлари Янги йил байрамини қўнғилдагидек ўтказдилар. Байрам кунин аскарларини туман ҳокимлигини меҳмон қилиб улар шарафига тўқтин дастурхон ёзди. Ҳоким сўзга чиқиб, уларни Янги йил билан қизғин қутлади.

Байрам сўзига Қорбобо ва Қорқиз аскарларга савғалар улашди. Бу аялмуал аскарлар қалбиде бир умр мухрланиб қолса ажаб эмас.

Суратде аскарларга Янги йил савғалари улашдиюқда.

Р. НУРИДДИНОВ олган сурат.

(7А).

### ГАЗЕТХОНЛАР ИСТАГИ

## ТАЛАБАЛАР ҲАЁТИ ҲАМ ЁРИТИЛСИН

Бор гапни айтиш керак. «Тошкент ҳақиқати» бизнинг севимли газетамиз. Унинг саҳифаларидаги инсон қадриятини билан боғлиқ мақодаларини ҳар сафар иштиёқ билан ўқиб борамиз. Газетамизда «Бу — қияқ» рубрика остида берилган хабарлар, мақодалар ҳам кўнчилигини ўзига жалб қилмоқда.

Аммо айрим мулоҳазаларимиз ҳам йўқ эмас. «Тошкент ҳақиқати» саҳифаларида жинсийликка қарши кураш, нопок савдо ходимлари, қўполликка йўл қўйган ички ишлар ходимлари ҳақида ҳам мухтазам мақодалар босилишини истар эдик. Негадир, газета олимлар, талабалар ҳаётига доир мақодаларни қамайтириб юборди. Бизнингча, кичиларини танг аҳволдан қутқариб, уларга ҳайта саломатлик бахш этаётган фидойи шифокорлар, мактабларда ёшларга жон дилдан таълим-тарбия бераётган ўқитувчилар ҳақида ҳам кўпроқ ёзиб турш керак.

Янги йилда бизнинг ана шу истакларимиз инобатга олинса, беҳад хурсанд бўлув эдик.

Наълихон СОБИРОВА,  
 Нядуфар УМРЗОҚОВА,  
 Шахло ОБИДОВА,  
 ТошДУ талабалари.

## ФАОЛ ОБУНАЧИЛАР

БУ йилги газета ва журналларга обуна мавсуми анча оғир кеңди. Нарх-навоининг ҳаддан ташқари ошиб бориши, жумладан газеталарга ёзилишини ҳам чеклаб қўйди. Лекин, ўз маънавиятини устуни қўйганлар ҳеч иккиланмай, газета-журналларга обуна бўлдилар. Айниқса, бу мавсум Зангиота туманидаги «Бўсуб» жамоа ҳужалигида яхши одиб борилди. Бу борада ҳужалик раиси Алишер ака Гафуровнинг ўзлари бош-қош бўлдилар. Шу боис ҳам биргина «Тошкент ҳақиқати»га 135 дан ортқ киши ёзди. Шунингдек, ҳужаликда «Ҳақ сўз», туман нашри бўлган «Истиқбол» ҳамда «Нурли жўл» газеталари мухлислари ҳам кўнчилигини ташкил этар экан.

Урозбой Қадимов, Мурадас Ортинқова, Дуйсен Каримов, Анора Ризаева, Умарасон Ибдушев, Чулпон Турмонова каби ҳужалик аъзолари фаол обуначилар эканликларини кўрсатишди.

Албатта, обуна мавсумини маромида ўтказишда алоқа ходимларининг ҳам ўз ўрни бўлади. Ҳужаликда алоқа бўлими мудири Левиза Умирова, ҳат таълувчилар Қуттиқиз Қожамқулова, Алдияр Латипов, Асия Қалмирзаева-ларнинг олиб борган ташвиқотчилиги ишлари ўз самарасини берди.

Исмом ҚОСИМОВ,  
 Зангиота тумани.

### Кутлов

## МЕҲР-МУРУВВАТГА ЙЎҒРИЛГАН ҚАЛАМ



Тахририятга ҳар кунин ҳар хил одамлар келади. Улар иш ва кундалик ҳаётда юз бераётган турли масалалар буйича тегишли бўлимларга учрашиб, вазифаларини ҳал этиб кетишди. Шайхон Эсон Қосимовни йўқлаб келувчилар ҳам анчагина. Унинг номига ёзилган хатлар соми эса борган сари ортиб бормоқда. Бу қалам-кашим меҳнатқашлар ўзларига яқин тутанликларининг боси бор. У меҳр-мурувватга муҳтож кишиларга, кўнгли синик, адолатсизликдан азият чеккан одамларга ёрдам беришни биринчи навбатдаги бурни деб билади. Менга, унинг қаҳрамонлари: ногирон мусаавир, марҳум Рауф Аҳмедов, ёзувчилар асарларини рус тилидан ўзбек тилига моҳирлик билан таржима қилётган матонатли қиз Мухаббат Мирзаева, йигирма йилдан бери тўшқандан турмай ижод этаётган шоир Рустам Раҳмонов, катогон даврининг зулми ва жафоларини бошидан кечирган Иножон Муқимов, есотқин деган таққи лаззатга учраган Обиджон Исломов, машум Лефортово турмасига бағуноҳ ташлаиб, пировардида, ўз ҳақ-ҳуқуқини муносиб ҳимоя қила олган Тошлемир Қехрамонов...

Эсон Қосимов ташаббуси билан газетамизда вужудга келган «Саҳоват» саҳифаси эълон

қилинган кун газеталар қўлма-қўл ўқилади. Унинг ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан ҳамкорликда тайёрланган «Ижтимога жазо муқаррар» ҳамда «Одамлар ва тақдирлар» рубрика остидаги мақодалари ҳозиржавоблиги билан ажралиб туради. Қалам-кашимини ҳар бир мақолада, газетамиздаги ҳар бир кичиши одамлар тақдирини туб ўзгартириш астойдил қўриқиб келибди. Шунингдек, марҳум Рауф Аҳмедовнинг ижодкор сифатида элга танилиши, Ўзбекистон ишлари мукофоти совриндори бўлиши, қўйинг-чи, унинг ҳаётда ўзига муносиб матонатли турмуш ўрғотгани топши, ҳам-

ма-ҳаммасиде қамтарини журналист ҳамкасбимизнинг ҳиссаси бор. Утган йили ангиборлик Мухаббат Мирзаева тўғрисида ёзган «Сиздан кўнги узоқмайман...» мақоласи эълон қилинган, вилоят ҳокимлиги бу дарамдид қизни энг яхши шифо масканларидан бири — Сочига бориб даволашни келиши учун имконият яратди.

Чорак асрдан ортқ вақтдан буён ҳаётини газетчиликка бағишлаб келётган ҳамкасбимиз турли ижодий танловларда ғолиб чиққан, Ўзбекистон Журналистлар уюмаси мукофотиға сазовор бўлган.

Эсон Қосимов ўзини масрур ижодкор деб билади. Бу масрурлик унинг одамларга кераклиги, улар учун ашётганлиги, хонедонларга йўқолган қувончлари қайтиб келишиде ўз қалами билан ҳиссе қўшаётганлигини туйишидан. Шу сәббли ҳам севган касбиде кўз нурини тикиб, вақтини ҳам, ўзини ҳам унутиб, тинмай ижод қилмоқда.

Биз ҳамкасбимизни кутлуғ 50 ёши билан муборакбод этиб, унга мустоҳкам соғлиқ, ижодий ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилеяймиз.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАСИ.

### ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

## «ШИФОКОР» АРОСАТДА

ҲУРМАТЛИ МУҲАРРИРИЯТ! Бизнинг «Шифокор» мақалламиз Тошкент тумани ҳудудида жойлашган келгандарда, пойтахтнинг Собир Раҳимов тумани билан туташиб кетган. Мақаллада турли миллат вакиллари, кўп фарзандли оилалар, нафақа-қўрлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ишчи-хизматчилар истиқомат қилишади. Мақаллада кейинги пайт-пайтлардан кўнглини ўзгартиришлар юз берди. Хусусан, у тула газлаштирилди. Тоза иччилик сувни билан таъминланган. Халққа кўрсатилган бундай гамхўрликдан миннатдоримиз, албатта. Бироқ сўнги кезларда мақаллада аҳлини ташвишга қўйган бир ҳолат ана шу гамхўрликларга доғ бўлиб тушмоқда. Гап шундаки, ўтган йилнинг биринчи чораги-

дан эътиборан Тошкент шаҳар «Чуқурсой» кўчасининг энг юқори қисмидан туб аҳолига канализация тармоғи тортила бошланди. Бу шу кўчадаги «Уқув-билим юрти» четгарасига амалга оширилди. Асфальт кўчалар бузилиб, чуқурлар қазилиб, иш бошлаб юборилди.

Биз аввал бу теада битар, деб ўйлаган эдик. Лекин у чўзилганидан чўзилди. Натияжада шаҳардан республика клиник рўқий касалликлар шифохонаси, аниқроғи бизнинг «Шифокор» мақалламизга қатновчи 109-сонли автобус йўналиши мақаллада анча узоқ бўлган «Семур» ўйинчоқлар фабрикасигача қисқартирилди.

Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳанузгача на қўрилиш ишларининг тўлиқ ниҳоясига етишидан, на автобус йўналишининг изга тушишидан дарак бор. Бу ҳолат аҳолини ортқча ташвишга қўймоқда. Шифохонага касал қўргани келгандар ҳамда аҳоли узоқ йўлни пиеда босиб ўтишига тўғри келмоқда. Айниқса бундан болалар ва қариялар азият чекмоқда. Чунки йўл озода ва текис бўлганда ҳам бир нави эдику-я, қишда лой, ёзда чанг—тўзон... Нимагадир бу аҳвол билан биронта ҳам масъул идора раҳбарлари қизиқайтгани йўқ. Балки ушбу аризонини улар газета орқали ўқишгач, муаммони тезроқ ҳал қилиб беришармики?

Сизларга ҳурмат ва ишонч билан «Шифокор» мақалламиз номидан:

МУРОДОВА  
 ДАДАХУЖАЕВА  
 АЛИЕВА  
 АҲМЕДОВА  
 АКБАРОВА  
 ПУЛАТОВА  
 ҚУДРАТОВА  
 ТУРСУНОВА  
 ОРИПХУЖАЕВА  
 ШОИСЛОМОВА  
 САЙДАКБАРОВА  
 МИРСУЛТОНОВА

### АЛОҚА ХИЗМАТИ ЯХШИЛАДИМИ?

ВИЛОЯТИМИЗ, республикамизда ҳамдўстлик мамлакатлари ва хоризда юз бераётган ўзгартирилди, воқеалар, хабарлар билан ўз вақтида таништириб борушни манбаълардан бири бу вақт-ли матбуотдир. Хусусан, газета-журналларсиз ҳозирги

ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Бирок, бизнинг Чиноз шаҳримизда уни аҳолига етказиб беришчи тармоқ — почта хизмати кейинги пайт-пайтда ўз ўқувчиларини таважжубга солмоқда. Балки айлан чинозлик алоқа ходимларини айблаш ҳам нотўғри-

дир. Айтишларича, хатлар жуда кеч қилиб келаятган эмиш. Нима бўлганда ҳам кундалик газеталарни ўз вақтида ололмаймиз. Баъзан алоқа ходимлари газеталарнинг бир неча сонини келтириб ташлаб кетишади. Бу ҳақда тумандаги марказий почтага ва бошқа мутасадди ташкилотларга мурожаат этидик. Қарерга борсанг тенши-

рамиз, ўрғанамиз, ҳаммаси жойида бўлади, дейишди-ю, бироқ натижа ўша-ўша. Балки газетанизда бу ҳақда ёзилгач, аҳвол ўзгарармики?!

У. НЕҒМАТОВ,  
 Чиноз шаҳри.

Муҳаррир  
 Н. НАСИМОВ.

## Асорати оғир дард

Биз бу касаллик тўғрисида илгарилари ҳам матбуот орқали аҳолига бир неча бор матбуотлар берган эдик. Лекин бошқа хасталикларга қараганда гриппнинг тез тарқалиши ҳамда оғир асоратларга олиб келишини назарда тутиб, у ҳақда яна бир бор эслатишни лозим топдик. Зероки дардини даволашдан кўра унинг олдини олган маъқул. Маълумки, ҳар йили грипп турли кўринишларда намоен бўлиб, кўнчилигини оғир ҳолатларга қўяди. Хасталик асосан куз ва қиш ойларида хуруж қилади. Об-ҳавонинг кескин ўзгариши туфайли «бош кўтарган» бу касаллик уч соатдан тортиб то беш кунгача бўлган муддат давоминда танани эгаллаб, кишини малорезистенттиради. Тумон сифатида бошланиб, эгини увинтиради, бел, кўз, қўл-оёқ бўғинларига оғир беради. Қарорат кўтарилиб кетади. Касаллик туфайли касал йўллари шикастланиб, ҳаво олиш мушкуллашади. Бош оғриғига чидаш қийин бўлиб қолади. Шунинг айтиш керакини, киши танасининг чиниқлигини қараб хасталик турлича ўтиши мумкин. Кенсалар, ёш болаларда айниқса у оғир ўтади.

Ҳар қачонгидек касалликнинг олдини олиш ҳақида сўз борганда, биз, аввало, гриппга дучор бўлган беморларнинг қай эдиқ.

дан эҳтиётланишни тавсия этаймиз. Бундай хасталикка учраган киши алоҳида хонада ётиши, жуда бўлмаганда унинг кровати ўзгалардан қандайдир мато билан тўсиб қўйилиши зарур. Беморнинг идиш-товоғи, сочиғи алоҳида бўлиши керак. Уни парвартиш қиладиган одам албатта оғир-бурнига тўрт қаватли донадан тайёрланган ниқоб тутиб олиши лозим.

Грипп вирусини соф ҳавога чидамсиз бўлади. Шунинг учун хоналарини тез-тез шашини малорезистенттиради. Тумон сифатида бошланиб, эгини увинтиради, бел, кўз, қўл-оёқ бўғинларига оғир беради. Қарорат кўтарилиб кетади. Касаллик туфайли касал йўллари шикастланиб, ҳаво олиш мушкуллашади. Бош оғриғига чидаш қийин бўлиб қолади. Шунинг айтиш керакини, киши танасининг чиниқлигини қараб хасталик турлича ўтиши мумкин. Кенсалар, ёш болаларда айниқса у оғир ўтади.

Буюк олим Абу Али ибн Сино асарларида шамоллаш, қаттиқ тумовга учраш ҳолатларида қўл меваларини истеъмол қилса, дард тез кенишини қай эдиқ. Грипп билан оғриган одам ҳар кунини бир донан анорини сийиб, шарбатини ичса, хасталикнинг ўтиши анча енгилашади. Тоғ олчасининг қўрилган мевасини қайноқ сувга ивиштиб, кунига уч марта бир стакандан ичиб туриш ҳам айни фойдалидир. Турпиде витамини, калий, кальций, темир ва бошқа минерал моддалар жуда кўп. Улар инсон организмнинг фодиятини оширишда муҳим ўрин тутаяди. Ҳар кунини туртки ва кечини таомларга турпиде қўшиб тавовул қилиш фойдалидир. Шолғомдан ҳам ҳар хил таомлар тайёрлаб истеъмол қилиш керак. Гриппга қарши курашда саримсонча бас келадигани йўқ. Бундан ташқари, биз янги соғилган сутини қайнатиб ичишни, нашатир спиртини вақти-вақти билан ҳидлаб туришни, қайнатилган илқ сувга уч-тўрт томчи беш фозили йоддан томизиб томоқнинг чайқашини ҳам тавсия этаймиз. Жисмоний машқлар билан мўнтазам шуғулланиш эса, насалликни тез енгишга ёрдам беради.

А. АВДУРАҲИМОВ,  
 Тошкент вилояти саломатлик марказининг шифокори.

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИЛАРИ

Давлат жисмоний тарбия ва спорт комитети ўтган йилда халқаро ва республика мусобадаларида юксак натижаларга эришган йигирма нафар энг яхши спортчини аниқлади.

Улар орасида жаҳон чемпионати совриндори, хизмат кўрсатган спорт устаси Оксана Чусовитина, халқаро тоифадан спорт устаслари — фристайл буйича жаҳон чемпиони ва жаҳон кубоғи соҳибини бўлган тошкентлик Лина Чернова, бокс буйича жаҳон чемпионатини кумуш совриндори, ҳарбий хизматчи Ҳикматилла Аҳмедов, эркин кураш буйича

жаҳон биринчилиги совриндорлари — динамовчилар Рамил Атауллин ва Руслан Хинчагов, Осие қитъаси биринчилигида тўртта олтин медални қўлга киритган эшқакчи Иван Киреев бор. Миллий кураш буйича Ўзбекистон Президенти соврин учун ўтказилган халқаро мусобақа ғолиби — сурхондарёлик полков, спорт устаси Урол Тўраев, ўнкураш

## ЭЪЛОН

ЭЪЛОН

8 ва 11- синф ўқувчиларига хушхабар!

ТУРК ТИЛИ ЎРГАТИШ КУРСЛАРИ

Ўзбек-турк лицейларига мурожаат қилган 8 ва 11- синф ўқувчиларига ушбу лицейларда тўрт ойлик турк тили курслари очилмоқда.

Бу курсларда ўқиш бепул бўлиб, фақатгина «4» ва «5» баҳо билан ўқиётган ўқувчиларгина қабул қилинади.

Шошилинглр, ўқув ўринлари саноқли!

Қизлар ҚИЗЛАР ЛИЦЕЙИга мурожаат қилишсин

Мурожаат қилиш учун телефон ва манзиллар:

ЎЗБЕК-ТУРК ЭРКАК ЛИЦЕЙИ: 685826-681257; (Шампан заводи рўпарасидаги 307-мактаб ўрнида.)

ЎЗБЕК-ТУРК ҚИЗЛАР ЛИЦЕЙИ: 62-70-41; (Фажт қизлар учу. Юнусовод, Тоштурма олдида, собиқ 174-мактаб.)

ИҚТИСОД ЛИЦЕЙИ: 21-10-29, 21-47-22; (Чимкент йўли, ДАРХОН ёнидаги тарқатиш жойи орқасида)

ТЕХНИКА ЛИЦЕЙИ: 91-33-94; (Жарқўрғон кўчаси, 3-шаҳар касалхонаси рўпарасида, собиқ 14-СПТУ ўрнида)

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Раҳимов Жамол Абдуҳамидович номига берилган Тошкент шаҳар Умар Ҳайём номли 180-ўрта мактабда ўқиб, 1993 йил таянч мактабни тугатганлиги тўғрисидаги ВУ № 042618 рақам-ли гувоҳнома йўқолгани туфайли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Тошкент ҳақиқати» газетаси жамоаси газетанин фалол жамоатчи муҳбири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган арак, шахсий пенсионер ЗИРИЛЛА ЭҒАМБЕРДИЕВИНИНГ вафоти муносибати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ИИББ қўрилди бошқармаси ходимлари Яқисарой туман қўрилдиш бўлими бошлиғи, милиция майори Шавкат Мирзабоевич ТОҒИМБЕКОВНИНГ бевақт вафот этгани муносибати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик изҳор этадилар.

Тошкент ҳақиқати

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

БИЗНИНГ МАНЗИЛ-ГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32.

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.

АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-89-15.

Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлар масъулдилар.

Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайд.